

Янги лойиҳаларнинг экологик харажатлари ҳисобини такомиллаштириш

А.Рўзмаматов
ТМИ

Аннотация: Мазкур мақолада профессионал мулоҳазалардан фойдаланиб янги лойиҳалар экологик харажатлари, улар бўйича резервларни баҳолаш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: инвестиция, янги инвестицион лойиҳа, экологик йўналтирилган лойиҳа, янги лойиҳаларнинг экологик харажатлари, экологик харажатларни баҳолаш, резервлар ҳисоби, лойиҳалар самарадорлиги

Improving accounting of environmental costs of new projects

A.K.Ruzmamatov
Tashkent Financial Institute

Abstract: This article examines the environmental costs of new projects, estimating and accounting for environmental cost provisions using professional judgment.

Keywords: investments, new investment project, environmentally oriented project, environmental costs of new projects, assessment of environmental costs, calculation of reserves, project efficiency

КИРИШ

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корxonанинг асосий мақсади бозор талаблари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва максимал фойда келтирадиган янги лойиҳаларни танлаш ҳамда мазкур лойиҳа учун инвестиция киритиш ҳисобланади. Бундай лойиҳаларни тўғри танлаш корxonаларнинг муваффақиятли инвестиция стратегиясининг асосидир. Корxonаларнинг асосий мақсади бўлган фойда ҳар қандай самарадорлик кўрсаткичлари аниқлашда ҳамда молиявий ҳолатни баҳолашда ўз ифодасини топади. Лекин бугунги кундаги мамлакатимиздаги экологик вазият, янги лойиҳалар самарадорлигини аниқлашда нафақат фойда ва пул оқимларини, балки лойиҳаларни амалга оширишнинг экологик таъсирини ҳисобга олиш жуда долзарблигидан дарак бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, инвестиция лойиҳаларининг молиявий

самарадорлигини баҳолашнинг кўплаб усуллари мавжуд. Бу ишда кўриб чиқиладиган усул экологик омилларни ҳисобга олади ва бугунги кун учун ғоятда муҳим. Чунки янги лойиҳаларни амалга ошириш кўлаמידан қатъи назар, экологик баҳолаш муаммоси сўнгги йилларда Ўзбекистонда жуда долзарб бўлиб келокда. Дарҳақиқат, мамлакатимизда атроф-муҳитга жуда катта эътибор бериш талаб этилмоқда ва ҳатто бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Масалан, 2024 йил 1 январдан бошлаб атроф-муҳитга таъсири бўйича I тоифага ва II тоифага кирувчи янги объектларни лойиҳалаштиришда юқори самарадорликка эга чанг-газ тозалаш ускуналари ва (ёки) локал сув тозалаш иншоотлари ўрнатилиши кўзда тутилмаган лойиҳаларни давлат экологик ва шаҳарсозлик экспертизаларидан ўтказиш ҳамда қурилиши тугалланган объектларни, уларни ўрнатмаган ҳолда фойдаланишга қабул қилиш ман этилади¹. Шу жиҳатдан янги лойиҳаларнинг экологик харажатлари ҳисобини тўғри ташкил этиш ва такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Худудларни барқарор ривожлантиришда янги лойиҳаларнинг самарадорлиги муҳим омил бўлиши билан бир қаторда тараққиётнинг ҳам маустаҳкам заминига айланаётган бир даврда инсоният инвестициялар ҳақида янги билимларга эга бўлмоқда ва ҳозирда замонавий муаллифлар "инвестиция лойиҳалари" атамасининг кўплаб формулаларини нашр қилмоқдалар. Масалан, Бочаров В.В. фикрича инвестиция лойиҳасининг объекти сифатида ушбу лойиҳани амалга ошириш катта хажмда капитал харажатлар (ҳам молиявий ҳам меҳнат) талаб қиладиган ҳар қандай лойиҳа тушунилади. Инвестицион лойиҳалар бошқа камроқ режалаштириш ва ресурсларни талаб қиладиган лойиҳалардан кўпинча оммавийлиги ва нисбатан кўпроқ харажатлар миқдори билан фарқланади[7].

Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида (25.12.2019 й. N ЎРҚ-598) инвестиция лойиҳасига иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун инвестицияларни амалга оширишга ёхуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи дея тариф берилган. Шунингдек, мазкур қонунга кўра инвестиция фаолияти - инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуидир, инвестор эса - фойда олиш мақсадида инвестиция фаолияти объектларига ўзининг маблағларини ва (ёки) қарз

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2023 йил 31 майдаги ПФ-81-сон Фармони

маблағларини ёхуд жалб қилинган бошқа инвестиция ресурсларини инвестиция қилишни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъектидир.

Ҳар қандай тижорат ташкилоти асосий фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳар хил турдаги активларни сотиб олиш учун ўз ресурсларини инвестиция қилади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг у ёки бу инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича қарор қилишда турли мақсадларни кўзлайди. Савчук В. П. "Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва таҳлил қилиш" китобида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича учта асосий мақсадни кўрсатади: моддий-техник базани янгилаш, янги турдаги маҳсулотларни яратиш ва корхона ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш [8].

Янги лойиҳаларни харажатларини молиявий таҳлил қилишда ҳар доим пул оқимларига катта эътибор берилган. Аммо бугунги кундаги атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар анъанавий баҳолаш методологиясини биров ўзгартиришни тақозо этмоқда. Хитой молия ва иқтисодиёт университети (Цзянси шаҳри) иқтисод факультети профессори Ван Чуннинг фикрича, корхона фаолиятининг ижтимоий ва экологик таъсирини ҳисобга олмайдиган услубни "экстенсив" деб атаган [9].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқотда янги лойиҳаларга инвестиция киритиш ва унинг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини экологик харажатларни ҳисобга олган ҳолда баҳолашда миллий ва халқаро амалиётда қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

НАТИЖА ВА МУХОКОМА

Бугунги кунда "яшил" иқтисодиётни шакллантириш ва унинг барқарор ривожланишига ўтиш глобал даражада ҳам, Ўзбекистан учун ҳам устувор вазифалардандир. Инсоният келажаги учун барқарор ривожланиш концепцияси муҳим манба бўлиб, у БМТнинг қарор ва ҳужжатларида ўз аксини топган. Замонавий иқтисодиёт кўп жиҳатдан экологик стандартларга риоя қилиш ва барқарор ривожланишнинг халқаро концепциясига йўналтирилганлигига боғлиқ. Иқтисодий ривожланишга ўтиш даврида энг муҳим шарт экологик тоза яшаш муҳитидир. Унга ва умуман экологик-иқтисодий тизимнинг ҳолатига стратегик мақсадларга эришишда муҳим рол ўйнайдиган инвестиция фаолияти янги лойиҳаларни амалга ошириш таъсир кўрсатади.

Йирик, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда лойиҳанинг вилоят ва умуман мамлакат иқтисодиёти учун оқибатлари тўғрисида қўшимча маълумотларни очиб бериш лозим. Барқарор ривожланишни таъминлаш учун лойиҳа ишлаб чиқувчилари, инвесторлар ва рухсат берувчи давлат ташкилотлари инвестиция лойиҳаларининг асосий жиҳатлари – иқтисодий ва экологик самарадорлигини ҳисобга олиши муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда корхоналарнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича масъулиятини оширишда қўлланиладиган усуллар керакли натижаларни бермаяпти. Янги лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда атроф-муҳит омилларини етарлича ҳисобга олмасликнинг қуйидаги сабабларини кўрсатиш мумкин:

- хилма-хиллиги туфайли атроф-муҳитга таъсир қилувчи кўплаб омилларни аниқлашнинг қийинлиги;
- янги лойиҳалар самарадорлигини ҳар томонлама баҳолаш имконини берувчи усулларнинг етишмаслиги;
- янги лойиҳанинг ишга туширилишига қадар амалга оширилган экологик харажатлар лойиҳанинг умумий қийматида ҳисобга олинмаслиги;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича жорий харажатларнинг лойиҳа пул оқимлари таҳлилида ҳисобга олинмаслиги;
- атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш соҳасидаги муносабатларнинг заифлиги;
- атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш харажатлари бўйича резервлар ташкил этилмаслиги;
- янги лойиҳа фаолиятининг охирида демонтаж табиий ресурсларни қайта тиклаш учун қилинадиган харажатлар бўйича мажбуриятлар баҳоланмаслиги.

Лойиҳани амалга ошириш натижалари аниқлангандан сўнг, кутилаётган зарар ва фойдани баҳолаш амалга оширилади. Лойиҳанинг экологик таркибий қисмининг харажатларини баҳолашнинг тўлиқ тавсифи операцион ва инвестиция фаолиятининг пул оқимлари таркибий қисмлари асосида шакллантирилади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг жорий тадбирлари учун амалга ошириладиган харажатлар операцион фаолият пул оқимларининг, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ускуналар қиймати инвестицион фаолият пул оқимларининг таркибий қисмидир.

Янги лойиҳалар экологик харажатлари натижаларини пул шаклида ифодалаш ҳамда бир пул оқимида акс эттириш қуйидагиларга имкон беради:

- харажатлар миқдори ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари натижалари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;
- лойиҳанинг зарур экологик хавфсизлиги даражасига эришиш учун ушбу кўрсаткичлар нисбатининг оптимал даражасини аниқлаш;
- экологик харажатлар натижасида узоқ муддатли стратегияда кўриладиган иқтисодий наф миқдорини ҳисоблаш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар учун харажатлар самарадорлигини акс эттирувчи интеграл кўрсаткичларни аниқлаш.

Санаб ўтилган ҳолатлар инвестиция лойиҳаларини иқтисодий-иқтисодий баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш зарурлигини белгилайди. Бундай

баҳолаш экологик муҳитга таъсирнинг оқибатларини пул кўринишида ҳисоблаш ва уни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва имкониятлари тўғрисида хулоса чиқариш орқали лойиҳанинг самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлашга имкон беради. Бунда лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги ва устуворларини аниқлаш, атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш мумкин бўлади.

Бугунги кунда лойиҳа ташаббускорлари қулай атроф-муҳитни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, лойиҳа охирида ускуналарни демонтаж қилиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммаларига олишлари лозим. Атроф-муҳитни тиклаш бўйича ҳуқуқий мажбуриятлар икки ҳолатда вужудга келиши мумкин. Биринчиси, лойиҳа амалга оширилаётган ҳудуд қонунчилиги, ер ости бойликларини қазиб олиш бўйича тузилган шартномалар ва лицензия шартномалари ҳамда давлат органлари билан келишилган лойиҳа ҳужжатлари шартлари талаблари билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Иккинчиси эса, конструктив (ихтиёрий) бўлиб, нашр этилган экологик сиёсатлар, ўтмишдаги амалиётлар, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган бошқарув баёноتلари ва бошқалардан келиб чиқиши мумкин. Атроф-муҳитни қайта тиклаш бўйича мажбурият, қайта тиклаш тадбирларининг амалга оширилиши эҳтимоли мавжуд бўлганда ва тегишли харажатларни ишончли тарзда ўлчаш мумкин бўлганда тан олинади. Одатда бундай мажбуриятни тан олиш учун расмий режа бўлиши керак. Бундай харажатлар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга бир марталик тўлов сифатида ҳисобдан чиқарилиши мумкин ёки агар амалга оширилган ишлар натижасида компанияга маълум наф келиши кутилса, активларда акс эттирилади ва улар кейинчалик амортизация орқали ҳисобдан чиқарилади.

МҲХС мақсадлари учун бундай мажбуриятларни ўлчашда тахминлар ва шартли баҳолашлар амалга оширилиши керак. Бу келажакдаги пул оқимларининг ноаниқлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятларни бажариш мезонлари ва усулларининг аниқ тавсифи йўқлиги, ишлаб чиқариш ва тугатиш технологиясининг ўзгариши билан боғлиқ. Амалда, лойиҳа ташаббускорларининг ҳар бири ўз мутахассисларининг профессионал мулоҳазасига асосланиб, лойиҳа ҳужжатларида акс эттириш учун ўз методологиясини ишлаб чиқишига олиб келади.

Янги лойиҳаларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлар иккита ҳолатда юзага келади:

- ишлаб чиқариш фаолияти давомида;
- ишлаб чиқариш жараёни тугагандан сўнг лойиҳани тугатиш пайтида.

Ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида корхона ишлаб чиқариш чиқиндиларини йўқ қилиш ва фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини, масалан, атмосферага зарарли моддаларнинг чиқиши ёки ифлослантирувчи моддаларнинг

тасодифий тўкилиши каби оқибатларини бартараф этиш мажбуриятини олади. IAS-37 "Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар" халқаро стандарти табиий ресурсларни тиклаш бўйича мажбуриятларни ўлчаш талабларини ўз ичига олади. Янги лойиҳаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашда атроф-муҳитни тиклаш харажатлари учун резервларни ҳисоблаш муҳим ҳисобланади. Бундай резервлар лойиҳа ташаббускорининг лойиҳа фаолият даври давомида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурини молиялаштириш бўйича худудий маъмурият билан келишилган расмий режаси мавжуд бўлганда тан олиниши мумкин. Ҳар йили лойиҳа ташаббускори томонидан атроф-муҳитни тиклаш ишларини бажариши бўйича тўловлар тахминий чегирма ставкасидан фойдаланган ҳолда дисконтланган бўлиши керак. Атроф-муҳитни тиклаш харажатлари бўйича резервлар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган пайтда бир марталик тўлов сифатида ҳисобдан чиқарилади ёки агар келажакда ушбу ишларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳар қандай наф келиши кутилса, активларнинг бир қисми сифатида капитализация қилиниши ҳам мумкин.

Корхоналар ишлаб чиқариш жараёни тугагандан сўнг лойиҳа амалга оширилган ерни асл ҳолига келтириш бўйича олган мажбуриятлари IAS-16 "Асосий воситалар" стандартига мувофиқ, асосий воситаларнинг таннархига объектни демонтаж қилиш, тугатиш ва у эгаллаган майдондаги табиий ресурсларни тиклаш харажатларининг дастлабки ҳисоб-китоби бўйича киритилиши керак. IAS-37 нинг 14-банди талабларига мувофиқ, резерв қуйидаги ҳолларда тан олинади:

- компания ўтган воқеа (мажбурий ҳодиса) натижасида жорий мажбуриятга (ҳуқуқий ёки конструктив) эга бўлса;
- иқтисодий манфаатларни ўзида мужассам этган ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли мавжуд бўлса;
- бу чиқиб кетиш миқдорини ишончли баҳолаш мумкин бўлса.

Кутилаётган фойдаланишдан чиқариш ва рекултивация харажатлари учун жавобгарлик бундай объектларни куриш ва ишлатиш вақтида юзага келади. Лойиҳа ташаббускорининг ишлаб чиқариш жараёни охирида тўлаши керак бўлган фойдаланишдан чиқариш харажатлари одатда катта аҳамиятга эга. Бундай харажатлар лойиҳадан олинган даромадлари билан боғлиқ бўлиши керак ва улар давр харажатлари сифатида ҳисобдан чиқарилмаслиги керак. Шу сабабли, ҳисоботларда резервлар бўйича мажбурият тан олиниши билан бир вақтда, тегишли объектнинг бир қисми сифатида капитализация қилиниб, унинг баланс қийматини мажбурият билан бир хил миқдорда ошади. Шундай қилиб, активлар фойдаланишдан чиқариш ва рекултивация қилиш билан боғлиқ резерв тугатиш харажатлари миқдорида балансда мажбурият ва активнинг

шаклланишига олиб келади. Мажбурият муддати яқинлашиб келаётганлиги сабабли даврдан даврга ошиб боради. Даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлиги тамойилини асосланган ҳолда, актив аста-секин фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга амортизация харажатлари сифатида ўтказилади.

Янги лойиҳаларнинг экологик харажатларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун тавсия этиладиган бухгалтерия проводкалари қуйидаги жадвалда берилади.

1-жадвал.

Янги лойиҳаларнинг экологик харажатларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун тавсия этиладиган бухгалтерия проводкалари

№	Операция мазмуни	Дебет	Кредит
1.	Жорий экологик харажатлар	Операцион харажатлар	Пул маблағлари ёки жорий мажбурият
2.	Атмосферага зарарли моддаларнинг чиқиши ёки ифлослантирувчи моддаларнинг тасодифий тўкилиши каби оқибатларини бартараф этиш бўйича резервлар тузилиб борилганда	Операцион харажатлар	Резервлар бўйича узоқ муддатли мажбурият
3.	Атмосферага зарарли моддаларнинг чиқиши ёки ифлослантирувчи моддаларнинг тасодифий тўкилиши каби оқибатларини бартараф этиш бўйича резервлар ишлатилганда	Резервлар бўйича узоқ муддатли мажбурият	Пул маблағлари ёки жорий мажбурият
4.	Атроф-муҳитни тиклаш харажатлари бўйича резервлар тузилганда	Асосий воситалар	Резервлар бўйича узоқ муддатли мажбурият
5.	Атроф-муҳитни тиклаш харажатлари бўйича резервлар ишлатилганда	Резервлар бўйича узоқ муддатли мажбурият	Пул маблағлари ёки жорий мажбурият
6.	Баҳоланган резервлар бўйича узоқ муддатли мажбурият суммаси қайта баҳолаш натижасида ошганда	Операцион харажатлар	Резервлар бўйича узоқ муддатли мажбурият
7.	Баҳоланган резервлар бўйича узоқ муддатли мажбурият суммаси қайта баҳолаш натижасида камайганда	Резервлар бўйича узоқ муддатли мажбурият	Операцион даромадлар

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда амалга оширилаётган янги лойиҳаларнинг экологик харажатлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Янги лойиҳанинг ишга туширилишига қадар амалга оширилган экологик харажатлар лойиҳанинг умумий қийматида ҳисобга олинмасдан, давр харажатларида акс эттирилмоқда. Бу эса ўз навбатида даромадлар ва харажатларнинг номувофиқлигига олиб келмоқда. Янги лойиҳанинг ишга туширилишига қадар амалга оширилган экологик харажатларни, капитализация қилинган харажатлар сифатида, асосий воситалар қийматида акс эттириб, амортизация ҳисоблаш орқали лойиҳанинг бутун даврида харажатларга мунтазам тақсимлаш амалиётига ўтиш лозим. Бунинг натижасида:

биринчидан, янги лойиҳаларни амалга ошириш даврида даромадлар ва харажатлар мувофиқлиги таъминланади;

иккинчидан, ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг

мувофиқлиги тамойили талаблари бажарилишига эришилади;

учинчидан, янги лойиҳа ишга тушишидан олдин молиявий ҳисоботларда давр харажатларининг ошиб кетишининг олди олинади.

2. Атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг юқори ва ўртача хавф-хатар тоифаларига мансублиги бўйича янги лойиҳа субъектлари, фаолият жараёнида ишлаб чиқариш чиқиндиларини йўқ қилиш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш, атмосферага зарарли моддаларнинг чиқиши ёки ифлослантирувчи моддаларнинг (ер ёки сув)га тасодифий тўкилиши каби оқибатларини бартараф этиш мажбуриятини олади. Мазкур мажбуриятлар бўйича (IAS) 37 "Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар" халқаро стандарти талабларидан келиб чиқиб резервлар шакллантириш лозим. Корхона фаолиятининг охирида асосий восита объектини демонтаж қилиш ва олиб ташлаш ҳамда у жойлашган жойдаги табиий ресурсларни қайта тиклаш учун қилинадиган харажатлар бўйича мажбуриятни ушбу харажатларнинг дастлабки ҳисоб баҳоси бўйича (IAS- 37) лойиҳа бошида асосий восита объектининг бошланғич қийматига киритиш (IAS-16 "Асосий воситалар") лозим. Бунинг натижасида:

биринчидан, янги лойиҳалар ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида корхона ишлаб чиқариш чиқиндиларини йўқ қилиш ва фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини олиш бўйича харажатлар (ҳисоб баҳоси бўйича мажбуриятлар) резерв яратиш даврида харажатларга мунтазам олиб борилиши таъминланади;

иккинчидан, атроф-муҳитни ифлослантириш билан боғлиқ фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этишга ва (ёки) фаолиятининг охирида асосий восита объектини демонтаж қилиш ва олиб ташлаш ҳамда у жойлашган жойдаги табиий ресурсларни қайта тиклаш учун қилинадиган харажатларга маблағлар етишмаслиги рискининг олди олинади, чунки ушбу мақсадлар учун захирлар шаклланган бўлади;

учинчидан, "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2019 йилдаги ПФ-5863-сон Фармони талаблари бажаришга эришилади.

ХУЛОСА

Янги лойиҳаларни амалга оширишнинг экологик оқибатларини пул шаклида тақдим этишнинг мураккаблиги, лойиҳа амалга ошириш бошланишидан олдин экологик зарарни ва унинг юзага келиш эҳтимолини профессионал мулоҳазалар билан пухта баҳолаш муҳимлиги кўрсатади. Лойиҳанинг ҳаётий циклининг охирига келиб салбий экологик оқибатларнинг тўпланиши хавфи туфайли лойиҳани тугатиш босқичининг аҳамияти оширади ҳамда жуда катта эътибор талаб қилади. Янги лойиҳаларнинг мазкур экологик

харажатлари бўйича резервларни ҳаққоний дисконт ставкасидан фойдаланган ҳолда баҳолаш, уларнинг ҳисобини тўғри ва ўз вақтида юритиш, ҳисоботларда тўлиқ акс эттиришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар натижасида қуйидагиларга эришилади:

1. Даромадлар ва харажатларнинг даврий мувофиқлигини таъминлаш учун янги лойиҳанинг ишга туширилишига қадар амалга ошириладиган экологик харажатларни капитализация қилиш ва рухсат берувчи экологик ҳужжатларнинг муддатидан келиб чиққан ҳолда амортизация ҳисоблаш орқали лойиҳанинг бутун даврида харажатларга мунтазам тақсимлаб бориш, янги лойиҳаларни амалга ошириш мобайнидаги ҳисобот даври даромадлари ва харажатлари мувофиқлигини таъминлашга ҳамда молиявий натижаларнинг тўғри шакллантирилишига хизмат қилади.

2. Янги лойиҳанинг фаолият жараёнида экологияга келтириладиган зарарлар оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни қайта тиклаш учун амалга ошириладиган харажатларни қоплаш мақсадида фойдаланиладиган резервларни яратиш, янги лойиҳанинг фаолияти давомида ишлаб чиқариш чиқиндиларини йўқ қилиш, атроф-муҳитни ифлослантириш билан боғлиқ фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш, лойиҳа якунида асосий восита объектларини демонтаж қилиш ҳамда у жойлашган жойдаги табиий ресурсларни қайта тиклаш учун амалга ошириладиган харажатларни молиялаштиришнинг манбасини шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, чиқитсиз ва атроф-муҳитга зарари кам бўлган лойиҳаларни танлаб олишни рағбатлантириш имкониятини яратади.

3. Янги лойиҳаларнинг атроф-муҳитни ифлослантиришини олдини олиш билан боғлиқ харажатлар бўйича шакллантириладиган резервларни хусусий капитал таркибидаги резервларда эмас, балки узоқ муддатли мажбуриятлар таркибидаги "Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари бўйича мажбуриятлар" номли ишчи счёта ҳисобга олиш, янги лойиҳалар ташаббускорларининг атроф-муҳитни ифлослантиришни олдини олиш ҳамда лойиҳа охирида табиий ресурсларни тиклаш билан боғлиқ харажатлари бўйича шакллантириладиган "резервлар" ҳисоб маълумотлари ва ҳисобот ахборотларида уларнинг мажбуриятлари сифатида акс эттириш имкониятини беради. Шунингдек, молиявий ҳисоботда мажбуриятларни камайтириб кўрсатишнинг, хусусий капиталнинг ошириб кўрсатишнинг олди олинадиган, фойдаланувчиларга ишончли молиявий ҳисобот тақдим этилишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. "2022 — 2026 Йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 06.07.2022 йилдаги ПФ-165-сонли Фармони.
<https://lex.uz/docs/6102462>

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи, 09.12.2022 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3400. <https://lex.uz/docs/6312360>

3. “Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.09.2022 йилдаги ПФ-215-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/6185471>

4. “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф мухитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2019 йилдаги ПФ-5863-сон Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/4574008>

5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида. N ЎРҚ-404, 13.04.2016 й.

6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида. N ЎРҚ-598, 25.12.2019 й.

7. Jia, X., Cui, Y., Patro, R., Venkatachalam, S., Kanday, R. & Turayevich, J. (2023). Application of fractional-order nonlinear equations in coordinated control of multi-agent systems. *Nonlinear Engineering*, 12(1), 20220335. <https://doi.org/10.1515/nleng-2022-0335>

8. Бочаров В. В. Инвестиционный менеджмент: Учеб. пособ / –СПб: Питер, 2000. —160с.

9. Савчук В. П. Анализ и разработка инвестиционных проектов: Учеб. пособие для вузов / В. П. Савчук, С. И. Прилипко, Е. Г. Величко.–:Абсолют-В, 2012. – 302с.

10. WAN Chun, Economy School, Jiangxi University of Finance and Economics, P.R.China, «Financial Evaluation of Investment Projects from the Angle of Ecology», 2012.

11. Бирман Г., Шмидт С. Экономический анализ инвестиционных проектов. Пер. с англ. ред. ЛР Белый. - М: Банки и биржи, UNITY, 2002.

12. Чуприкова З.В. Аудит инвестиционных проектов. Учебное пособие. – М.: МИИТ, 2016. – 122 с.

13. Бабаев Ю. А., Петров А. М. Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО). М.: Вузовский учебник: ИНФРА-М, 2018. 398 с.

14. Мельник М. В. Анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. М.:ФОРУМ: ИНФРА-М, 2020. – 208 с.

15. Туйчиев А., Қўзиёв И., Авлоқулов А., Шеримбетов И., Авазов И. Аудит. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2019. – 530 б.
16. Рахимов М.Ю. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Дарслик. Т.: Ниҳол-Принт, 2021. -492 б.
17. Jumaniyazov, I. T. (2021). The Progressive Foreign Experiments in the Activity of Sovereign Wealth Funds. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 109-116.
18. Jumaniyozov, I. (2018). Impact of Development Finance Institutions on Economic Growth: Implications for Reconstruction and Development Fund of Uzbekistan. *International Journal of Management Science and Business Administration*, 4(2), 84-88.
19. Jumaniyazov, I. T. (2021). Transparency Is A Key Indicator Of The Activity Of Sovereign Wealth Funds. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(05), 30-37.
20. Жуманиязов, И. Т. (2016). Основные задачи Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан. *Наука, образование и культура*, (7 (10)), 27-28.
21. Жуманиязов, И. Т. (2016). Направления использования средств Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан. *Economics*, (7 (16)), 28-29.
22. Jumaniyazov, I. T. (2022). O'zbekistonda davlat moliya tizimidagi islohotlar va rivojlantirish istiqbollari. *Science and Education*, 3(5), 1637-1645.
23. Inomjon Turaevich Jumaniyazov, & Bexruz Hazratov (2022). Foreign experience in the development of special economic zones in Uzbekistan. *Science and Education*, 3 (5), 1628-1636.
24. Jumaniyazov Inomjon Turaevich, & Juraev Maqsud Annaqulovich (2022). Korxonalarda moliyaviy qarorlar qabul qilish va risklarni baholash usullari. *Science and Education*, 3 (5), 1646-1654.
25. Jumaniyazov, I. T. (2019). The impact of Uzbekistan Reconstruction and development fund's expenditure on GDP growth. *Science, research, development № 16. Monografiya pokonferencyjna*.
26. Jumaniyazov, I., & Xaydarov, A. (2023). The importance of social insurance in social protection. *Science and Education*, 4(1), 1033–1043. Retrieved from <https://opendscience.uz/index.php/sciedu/article/view/4941>
27. Inomjon, J. (2023). GENDER BYUDJETLASHTIRISHDA DAVLAT MOLIVAVIY NAZORATINING O'RNI. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(6), 1187-1191.
28. Бахронов, Ж., & Жуманиязов, И. (2023). Партиципатор бюджетлаштириш ва уни Ўзбекистонда қўллаш долзарблиги. *Science and Education*, 4(2), 1486–1493. Retrieved from <https://opendscience.uz/index.php/sciedu/article/view/5234>

29. Davlatboyeva, M. S. qizi, & Jumaniyazov, I. T. (2023). Yashil byudjetlashtirish va uni O'zbekistonda joriy etish istiqbollari. *Science and Education*, 4(2), 1509–1516. Retrieved from <https://opendscience.uz/index.php/sciedu/article/view/5237>

30. Jumaniyazov, I. T. (2019). Evaluation criteria for the efficiency of sovereign funds. *Global science and innovations 2019: Central Asia*. In *International scientific conference.–Nur-Sultan (Kazakhstan) (Vol. 340, pp. 226-229)*.

31. Jumaniyazov, I. T. The significance of Uzbekistan reconstruction and development fund's financial capital on economic growth of Uzbekistan. *International Journal of Economics, Commerce and Management United Kingdom* ISSN, 2348, 0386.

32. Jumaniyazov, I., & Mahmudov, M. (2022). Experience of foreign countries in attracting foreign investment. *Asian Journal of Research in Banking and Finance*, 12(5), 32-37.

33. Jumaniyozov, I. T., & Abdumannobov, A. M. (2020). MANAGING PUBLIC DEBT. In *Ключевые проблемы современной науки (pp. 3-7)*.

34. Jumaniyozov, I. T., & Bakhodirkhujayev A.F. (2020). ISSUES AND CHALLENGES FOR THE IMPLEMENTATION OF MACROPRUDENTIAL POLICY IN UZBEKISTAN. In *Ключевые проблемы современной науки (pp. 8-11)*.

35. I. T. Jumaniyazov, & A. Khaydarov. (2023). THE IMPACT OF UZBEKISTAN'S SOVEREIGN WEALTH FUNDS ON ECONOMIC GROWTH. *American Journal of Research in Humanities and Social Sciences*, 10, 1–7. Retrieved from <https://www.americanjournal.org/index.php/ajrhss/article/view/495>

36. Jumaniyazov, I. T. (2019). The impact of Uzbekistan Reconstruction and development fund's expenditure on GDP growth. *Science, research, development*, 16.

37. Жуманиязов, И. Т. (2023). РЕСПУБЛИКА ВА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ. *PEDAGOGS jurnali*, 35(4), 109-120.

38. Jumaniyazov, I., & To'laganova, F. (2023). Aksiyadorlik jamiyatlarining korporativ moliya strategiyasini rivojlantirishda xorij tajribasi. *Science and Education*, 4(6), 836–847. Retrieved from <https://opendscience.uz/index.php/sciedu/article/view/6095>

39. Jumaniyazov, I., & Qayumova, M. (2023). Fuqarolik ishtirokidagi "Tashabbusli byudjet" turlari va uni O'zbekistonda qo'llash dolzarbligi. *Science and Education*, 4(6), 853–859. Retrieved from <https://opendscience.uz/index.php/sciedu/article/view/6101>

40. Жуманиязов, И. Т., & Садыкова, Н. О. (2023). Ўзбекистонда ва жаҳонда суверен фондлар инвестицион фаолияти. *Science and Education*, 4(6), 915–920. Retrieved from <https://opendscience.uz/index.php/sciedu/article/view/6106>
41. Jumaniyazov, I., & Vohidova, R. (2023). Davlat byudjeti mablag'laridan foydalanishda moliyaviy nazoratni kuchaytirish yo'llari. *Science and Education*, 4(6), 881–887. Retrieved from <https://opendscience.uz/index.php/sciedu/article/view/6100>
42. Inomjon, J., & Sarvar, A. (2023). SUVEREN FONDLAR FAOLIYATI VA ULARNING MOLIYAVIY MABLAG 'LARINI SAMARALI FOYDALANISHNING XORIJ TAJRIBASI. *PEDAGOGS jurnali*, 35(4), 102-108.
43. Jumaniyazov, I. T., & Islomov, A. (2023). O 'RTA MUDDATLI DAVR UCHUN FISKAL STRATEGIYANI TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI. *PEDAGOGS jurnali*, 35(4), 121-127.
44. Jumaniyazov, I. T., & Abdurahmonov, Q. (2023). TIKLANISH VA TARAQQIYOT JAMG 'ARMASINING BANKLAR FAOLIYATIDAGI ISHTIROKI. *PEDAGOGS jurnali*, 35(4), 139-146.
45. Asror, A., & Inomjon, J. (2023). O'ZBEKISTONDA DAVLAT BOSHQARUV ORGANLARI ISH HAQI TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI. *PEDAGOGS jurnali*, 35(4), 128-138.
46. I.T.Jumaniyazov, & I.A.Mingboyev (2023). Gender budgeting and prospects for its implementation in Uzbekistan. *Science and Education*, 4 (5), 1518-1523.
47. Turayevich, J. I., & Akmal o'g'li, S. M. (2023). INVESTITSION LOYIHALARNI MOLIYALASHTIRISHDA TIKLANISH VA TARAQQIYOT JAMG'ARMASINING O'RNI. *PEDAGOGS jurnali*, 35(4), 147-157.
48. Қўзиёв И.Н., Ҳамдамов Б.К., Авазов И.Р., Очилов Ф.Ш. Аудитнинг халқаро стандартлари. Электрон дарслик. –Т.: ТМИ. 2021 й
49. Трофимова Л. Б. Международные стандарты финансовой отчетности: учебник и практикум для бакалавриата, специалитета и магистратуры / Л. Б. Трофимова. — 5-е изд., испр. и доп. — М. : Издательство Юрайт, 2019. — 242 с.
50. Шеремет, А. Д. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. М.:ИНФРА-М, 2021. – 374 с.
51. Abdullaev Aybek Nazarbaevich, Jumaniyazov Inomjon To'raevich, Sabirov Mirza Qilichbayevich, & Gulomov Ibrokhim Rustam ugli. (2024). Development Of China's Sovereign Wealth Funds. *Wire Insights: Journal of Innovation Insights*, 2(1), 1–8. Retrieved from <https://academiaone.org/index.php/7/article/view/479>
52. Sovereign wealth funds of the Republic of Uzbekistan in the post-pandemic period. (2023). *Pedagogical Cluster-Journal of Pedagogical Developments*, 1(2), 355-372. <https://euroasianjournals.org/index.php/pc/article/view/73>
53. <https://www.lex.uz>-Ўзбекистон республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси